

УМАРОВ Б.М., НОРҚЎЗИЕВ Д.Б., ЭГАМБЕРДИЕВА Ф.У.,
МУРОТМУСАЕВ К.Б., РУСТАМОВА Б.

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ОРИЕНТАЛ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ Б.М., НОРҚЎЗИЕВ Д.Б., ЭГАМБЕРДИЕВА Ф.У.,
МУРОТМУСАЕВ К.Б., РУСТАМОВА Б.

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ

ДАРСЛИК

*Бакалавриатура таълим босқичи “Педагогика ва психология”
йўналиши талабалари учун тавсия этилган
дарслик*

Toshkent
“METHODIST NASHRIYOTI”
2026

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тайёрланаётган кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятларини, индивидуаллигини, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган ҳолда атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишдир. Қолаверса, юксак информатсион-технологиялар асри бўлмиш XXI аср инсон омилига эътиборнинг кучайиши билан ҳам тавсифланади. Зеро, ўз руҳий кечинмаларини бошқариш, яқинлари билан самимий сўлом муносабатларда бўлиш истаги - оддий фуқароларда кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада эътибор талаб жиҳатлардан бири - бу муомала, ўзаро таъсир ва ўзлигини ўзгаларга намоен эта олиш қобилиятидир.

Давримиз инсонни мустақил фикрли шахс сифатида ҳар бир сонияда уйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритиб, ўзи учун хулласалар чиқаришга мажбур этмоқда. Яъни, бу чексиз оламда биз ўзимизни ўзгаларсиз, ўз манфаатларимизни ўзгалар манфаатсиз тасаввур қила олмаганимиз учун ҳам ижтимоий-психологияни билишга мажбурмиз. Зеро, мустақил давлатимизнинг сиёсати инсон манфаатини ҳимоя қилиш, унинг учун муносиб турмуш тарзини яратиш экан, бу ишларни амалга ошириш учун бўлғуси мутахассис, педагог-ўқитувчи, зиёли ижтимоий боғлиқ, қонунчилик асосларини билиши ва ундан маромида фойдаланиши, турмуш нормаларига бўйсунган ҳолда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, фуқаролик бурчини адо этишга тайёр бўлишини лозим.

Шу ўринда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар учун янги